

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК: 330. 101. 541 (575.1)**

ЖЎРАЕВ ИЛҲОМЖОН КАМОЛИДИНОВИЧ

**РЕСПУБЛИКАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5А 230103 - «Макроиқтисодиёт»

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**


**Илмий рахбар:
и.ф.д., проф. Н. Махмудов**

ТОШКЕНТ-2019

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

4 - сонли баённома «31» ноя 2019 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Махмудов


ИМЗО

31.05.19г
сана

Магистр: И. Жўраев


ИМЗО

31.05.19г
сана

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгиллиги, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишларини такомиллаштирида таклиф этилаётган назарий ва амалий тавсияларнинг асосланганлиги ҳисобланади ва улар қуйидагиларда намоён бўлади: иқтисодиётни модернизация қилиш, инвестицияларни жалб қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш истикболларини баҳолаш асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

ANNOTATION

The innovation of this master's thesis is that theoretical and practical recommendations for improving the direction of ensuring the safety of food products in the country are justified and they are presented as follows: modernizing the economy, ensuring the safety of food products by attracting investment, deepening agricultural reforms; and outcomes based on food safety assessment through exporting and processing of agricultural products.

АННОТАЦИЯ

Нововведением этой магистерской диссертации заключается в том что, теоритические и практические рекомендации по совершенствованию направлений обеспечения безопасности продовольственных продуктов питания в республике обоснованны и они предъявляются в следующем: модернизация экономики, обеспечения безопасности продовольственных продуктов питания с помощью привлечения инвестиций, углубление реформ сельского хозяйства, разработаны предложения и итоги на основе оценивания безопасности продуктов питания через экспортирование и переработки продуктов сельского хозяйства.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Озиқ-овқат хавфсизлигининг мазмуни ва иқтисодий моҳияти ...	10
1.2. Миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурияти	17
1.3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий иқтисодий ва ҳуқуқий асослари	23
I боб бўйича хулоса	37
II БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ .	39
2.1. Республикамизда амалга оширилаётган озиқ-овқат хавфсизлиги дастури тамойиллари	39
2.2. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари таҳлили ..	48
2.3. Озиқ-овқат саноатига киритилган инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати таҳлили	56
II боб бўйича хулоса	61
III БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	62
3.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш	62
3.2. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг истикболли йўналишлари	76
III боб бўйича хулоса	87
ХУЛОСА	88
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	90
ИЛОВАЛАР	95

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”¹.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш. Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. Аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмларини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони. // «Халқ сўзи», 2017 йил 8-феврал.